

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси Маъмурий
бинолардан фойдаланиш
бошқармаси



А.Давлетов

2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Маъмурий
бинолардан фойдаланиш бошқармаси балансидаги биноларнинг ташки фасад
қисмини ювиш бўйича

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

Тошкент-2022 йил

A handwritten signature in blue ink, appearing to read "Давлетов", is placed over the date "2022 йил" at the bottom right of the document.

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИНИНГ МАЗМУНИ:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Тижорат қисми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети

Танлов комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конуни ва Харид килиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3016, 26.05.2018 й.) га асосан амалга оширади.

Танловни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари қўйидагилар:

Танловни ўтказиш электрон шаклда бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Маъмурий бинолардан фойдаланиш бошқармаси балансидағи биноларнинг ташқи фасад қисмини ювиш бўйича танлов ўтказиш кўзда тутилган.

Тўпламлар сони: 1 (хизмат кўрсатиши)

Хизматларнинг тахминий нархи: 116 312 000 сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Танловга қўйилган товарнинг (хизматнинг, ишнинг) тахминий нархи ККС билан кўрсатилган.

1.1. Махсулот (товар, хизмат) бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларинг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқкан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.2 Ишларни бошлиш муддати-аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Ишлар танлов хужжатларининг тижорат қисмида жойлашган талабларига биноан бажарилиши лозим.

Хизмат кўрсатиши муддати: 2022-йил.

Бюджет маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Маъмурий бинолардан фойдаланиш бошқармаси балансидағи биноларнинг ташқи фасад қисмини ювиш бўйича Танлов (кейинги ўринларда – Танлов) ўтказишдан мақсад – мазкур Танлов хужжатлари талаблари асосида тизимни яратиб берувчи ташкилотни аниqlаш.

яратиб берувчи ташкилотни аниқлаш.

Танлов ўтказиш тартиби –икки босқичли (сифат ва нарх мезонлари бўйича).

2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1 Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Маъмурий бинолардан фойдаланиш бошқармаси (бундан кейин –“БУЮРТМАЧИ” деб аталади);

Манзили: 10087, Тошкент шахар, Яккасарой тумани И.Каримов кучаси 43 уй;

Танловни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс – давлат ҳаридлари бўйича бош хисобчи С.Туфлиев ;

Тел.: (71) 239-55-69.

2.2 Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартиб ва муддатларда ўтказилади.

Харид комиссияси. Танлов хақида эълон жойлаштириш учун масъул шахс вазифасига қўйидагилар киради:

- танлов ҳужжатлари ишлаб чиқилишини таъминлайди ва уларни ўрнатилган тартибда талабгорларга тақдим этади;

- танлов таклифларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилишини таъминлайди.

Танлов таклифларини электрон шаклда тайёрлаб, Республика товар хом ашё биржасиннг www.xarid.uzex.uz порталида жойлаштиради. Уларнинг фаолиятини баҳолаш учун зарур бўлган кўшимча ахборотни тақдим этади (техник топширик талабларига қўра). Танлов таклифларини караб чиқиш муддати 10 кундан ошмайди.

2. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 1 йил тажрибага эга бўлган барча хўжалик субъектлари иштирок этиши мумкин.

3.2 Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар кўйилади:

- Ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;
- Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳукукий лаёқат ваколатлар;
- Танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
- Лицензия, гувохнома;
- Иштирокчи лойиха ташкилотнинг молиявий ахволи;
- Лойиха ишларини бажариш учун 5 бирлиқдан кам бўлмаган механизация воситалари мавжудлиги.

Низом маблағи миқдори.

3.3 Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириш зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибда мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4 Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

- Қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиши), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;
- Мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлик мавжуд ташкилотлар.

З ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

3.1 Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар ўзбек ёки русс тилида электрон шаклда тақдим этилади.

3.2 Танлов хужжатлари қўйидагиларни ўз ичига олиши олиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматларни кўрсатилиши керак;
- Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва яқуний тўловлар ва бошка боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак;

Қатнашчи номи: [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг]

Таклифга имзо чекувчининг лавозими: [Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатинг]

Имзо: [Юкорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]

Ушбу таклиф [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг] кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Мухр ўрни

- Нарх таклифида кўрсатилган нарх танлов таклифи нархи ҳисобланади.
- Танлов таклифи нархи миллий валюта - сўмда кўрсатилиши лозим.
- Маҳсулот (хизмат, иш) нархи(таклиф)га барча ҳаражатлар, яъни солиқ ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар киритилади.
- Танлов иштирокчиси фактат 1 та таклиф бериши мумкин, тақдим этилган хужжатларнинг хақиқийлиги ва хаққонийлигига шахсан жавобгар.

- Танлов иштирокчиси танлов муддати тугагунга қадар ўз таклифини қайтариб олиш ва ўзгартериш хукуқига эга.

ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН МАХСУЛОТЛАРГА ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРГА НАРХ ВА ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

Умумий маълумотлар

1. Хизматларнинг тўлиқ номи: Бюджет маблағлари хисобидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Маъмурий бинолардан фойдаланиш бошқармаси балансидаги биноларнинг ташки фасад қисмини ювиш бўйича хизматларни кўрсатиш.
2. Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Маъмурий бинолардан фойдаланиш бошқармаси
3. Етказиб берувчи: Буюртмачи томонидан ўтказилган танлов натижаларига кўра етказиб берувчи аниқланади.
4. Хизмат кўрсатиш муддати: 2022 йил шартнома имзоланган вақтдан бошлаб 31 декабрь 2022 йилгacha.
5. Молиялаштириш манбалари: Ўзбекистон Республикаси **БЮДЖЕТ МАБЛАГЛАРИ** хисобидан.
6. Хизмат кўрсатувчи ташкилот махсулот намунасини олиб келиб кўрсатиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Маъмурий бинолардан фойдаланиш бошқармаси **балансидаги биноларнинг ташки фасад қисмини ювиш** учун талаб этиладиган хизматлар рўйхати.

1-жадвал

№	Содержание	ед.изм.	Кол-во
1	Чистка и мойка стеклянного навеса (Основной с верху) в Здании Администрации	м ²	2660
2	Чистка и мойка стеклянного навеса (Основной с низу) в Здании Администрации	м ²	1064
3	Чистка и мойка стеклянного навеса от загрязнений (Бахор) с верху в здании Администрации.	м ²	1960
4	Чистка и мойка стеклянного навеса от загрязнений (Бахор) с низу в здании Администрации.	м ²	798
6	Чистка и мойка окон в Здании Администрации	м ²	1560
	Итого :		8042

Тижорат таклифлари баҳоси ва уни белгилаш тартиби

1.1. Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар талаб қилинган маҳсулотлар учун нархларини ўзларининг ички имкониятларидан келиб чиқиб белгилайди. Барча талаб қилинган хизматлар учун эҳтиёт қисмлар “Хизмат кўрсатувчи” ташкилот томонидан тўлиқ коопланади.

1.2. Маҳсулот (хизмат, иш) баҳоси (таклиф)га жумладан танлов, солиқлар, бюджет ва нобюджет жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича харажатлар қўшилиши лозим.

1.3. Иштирокчи томонидан ўрнатилган баҳолар етказиб беришни (хизмат кўрсатишни, иш бажаришни) тўлиқ амалга ошириш даврига белгиланиб, ўзгартирилиши мумкин эмас.

1.4. Қайси босқичда бўлмасин, баҳони кўтаришга йўналтирилган танлов таклифлари танлов савдолари талабларига жавоб бермайдиган ҳисобланиб, танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

2. Танлов валютаси

2.1. Танлов таклифлари Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси сўмда тақдим этилади.

3. Етказиб бериш шартлари ва муддати

3.1. Маҳсулотларни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш ва ишларни бажариш муддати 31 декабрь 2022 йилгacha деб белгиланади.

3.2. Олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошланади ва 31 декабрь 2022 йилгacha давом этади.

4. Молиялаштириш шартлари ва жадвали

4.1 Аввалдан тўлов Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида умумий шартнома қийматининг 30 %, колган 70 % шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади.

5. Шартномани молиялаштириш манбаи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига Маъмурий бинолардан фойдаланиш бошқармаси 2022 йил харажатлар сметаси ҳисобидан амалга оширилади.